

9. Berechman J. (2001) *Transport Investment and Economic Development, Is There a Link? Paper Presented at the ECMT Round Table 119. ECMT. Paris.*
10. Lakshmanan T., Andersen W. (2002) *Transportation Infrastructure, Freight Services Sector and Economic Growth. Center for Transportation Studies. Boston University.*
11. Бугроменко В. (2003) Синергетический подход к обоснованию уровня финансирования транспортной инфраструктуры. Доступно на: <http://ooliderclimat.ru/sinerget.htm> (Bugromenko V. (2003) Synergetic approach to justification of the level of financing of transport infrastructure. Available on: <http://ooliderclimat.ru/sinerget.htm>)
12. Попов Е.В., Семячков К.А. (2018). Компаративный анализ стратегических аспектов развития цифровой экономики // Вестник Пермского государственного университета. Т. 13. № 1. С. 19–36.
13. Цветков В.Я. «Логистика информационных распределенных систем». *Perspectives of Science & Education. Международный электронный научный журнал ISSN 2307-2334 (Онлайн) 2016. 4 (22).*
14. Левкин Г.Г. «Содержание понятия "логистическая система" и его использование в теории и практической деятельности». *Проблемы современной науки и образования. Издательство: Олимп (Иваново) ISSN: 2304-2338 eISSN: 2413-4635; 2 (84) Год: 2017. Ст: 48-50*
15. Topolšek, D., Čižiūnienė, K., & Cvahte Ojsteršek, T. (2018). *Defining transport logistics: a literature review and practitioner opinion based approach. Transport, 33(5), 1196-1203. <https://doi.org/10.3846/transport.2018.6965>*

МИНЕРАЛ-ХОМАШЁ КОМПЛЕКСИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Исаджанов Абдували Абдурахимович –
иқтисод фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Аннотация. Глобаллашув шароитида минерал-ҳомашё комплекси (МХК) мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни ошиб бориши ва барқарор ривожланишнинг асосий омилга айланиб бормоқда. Минерал-ҳомашё комплекси миллий иқтисодиётнинг асосий рақобатбардошлик афзаллигига айланиб, саноатнинг муҳим манбаси ва унинг янги технологик укладга ўтишидаги асосий омил сифатида қаралмоқда. Мақолада Ўзбекистон МХКнинг ривожланиш хусусиятлари, устувор йўналишлари ва экологик-иқтисодий ривожланиш жиҳатлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар. Минерал-ҳомашё ресурслар, ёқилғи ресурслари, таркибий ва технологик ўзгаришлар, металл ва неметалл материаллар, экологик омиллар, барқарор иқтисодий ривожланиш.

Аннотация. В условиях глобализации рассматривается роль минерально-сырьевого комплекса в социально-экономической жизни и устойчивом развитии страны. Минерально-сырьевой комплекс являясь источником развития промышленности национальной экономики и обеспечивая конкурентное преимущество способствует формированию нового технологического уклада. В статье рассмотрены особенности, приоритетные направления и эколого-экономические аспекты развития минерально-сырьевого комплекса Узбекистана.

Ключевые слова. Минерально-сырьевые ресурсы, энергетические ресурсы, структурные и технологические изменения, металлы и неметаллические материалы, экологические факторы, устойчивое экономическое развитие.

Annotation. In the context of globalization, the role of the mineral resource complex in the socio-economic life and sustainable development of the country is considered. The mineral resource complex, being a source of industrial development of the national economy and providing a competitive advantage, contributes to the formation of a new technological order. The article discusses the features, priority areas and environmental and economic aspects of the development of the mineral resource complex of Uzbekistan.


Keywords. Mineral resources, energy resources, structural and technological changes, metals and non-metallic materials, environmental factors, sustainable economic development.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида миллий иқтисодиётни барқарор ўсишининг ресурс-самарадор моделига ўтишининг асосий йўналишлари устувор вазифа сифатида белгиланган [1]. Ушбу стратегик мақсадни амалга оширишда табиий муҳитга салбий таъсир этувчи омилларни камайтириш, экологик хавфсизлик даражасини ошириш, экологик таҳдидларни мониторингини самарасини кучайтириш ва тегишли комплекс чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш эвазига уларнинг иқтисодиётга таъсирини камайтириш ва бар-

тариф этиш муҳим аҳамият касб этади [2].

Минерал-ҳомашё комплексини (МХК), биринчидан, ривожлантириш асосида миллий иқтисодиётни ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳозирда ва келажакда тўлиқ қондириш билан боғлиқдир, иккинчидан, МХК иқтисодиётнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан энг кўп аҳамиятга эга секторларидан бири бўлиб, саноат учун муҳим маблағлар манбаи ҳисобланади, учинчидан, аҳолининг сони ўсиши ва яшаш даражаси ошиши билан бирга энергия, металллар ва бошқа фойдали қазилмаларнинг аҳоли жонбошига истеъмол қилиниши ҳам ўсади.

САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ



1-расм. Таркибий ва технологик ўзгаришлар шароитида материаллардан фойдаланиш тенденциялари, Гт

Манба: Global Material Resources Outlook to 2060. OECD. 2019. – P.20.


Башоратларга кўра, таркибий ва технологик ўзгаришлар натижасида дунёда маҳсулотларнинг материал сифими пасайиши шароитида материаллардан фойдаланиш даражаси мунтазам равишда ўсиб боради (1-расм).

Ўтган вақт мобайнида республикада ер қаърини комплекс геологик ўрганиш, узоқ истиқболга мўлжалланган минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш дастурларининг самарали бажарилишини таъминлаш юзасидан бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

“Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тад-

бирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4740-сонли қарорига биноан геология соҳасининг илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш ва бошқа вазифалари билан узвий боғлаган ҳолда, юқори малакали ва замонавий фикрловчи олий маълумотли кадрларни халқаро таълим стандартларига мувофиқ тайёрлаш; фан ва техниканинг энг янги ютуқларини қўллаш белгилаб берилган[3].

Маълумки, дунё минтақаларида материалларнинг барча турлари бўйича (биомасса, қазиб чиқариладиган ёқилғи, металллар ва нометалл минераллар) ўсиши башорат қилинмоқда (2-расм) [4].



2-расм. Дунё минтақаларида материаллардан фойдаланиш даражасининг ўзгариши

Манба: Global Material Resources Outlook to 2060. OECD. 2019. – P.22.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз минерал хомашёнинг жаҳон бозорида кўп йўналишлар бўйича мустаҳкам мавқени эгаллади. Ўзбекистондаги минерал ресурслар хомашёси 5,7 триллион АҚШ долларга тенг бўлиб, унинг 1 триллион АҚШ доллар қийматга эга бойликлар айти пайтда фойдаланишга тайёр конларда мавжуд [5].

Умуман олганда, Ўзбекистон яқин беш йил ичида минерал-хомашё ресурсларини қайта ишлаш учун 649 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш доирасида 40 млрд. АҚШ долларини йўналтиради. Рангли ва қимматбаҳо металлларни қайта ишлаш учун қиймати 217 млн. АҚШ долларилек 6 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган [6].

Булар кўп жиҳатдан мазкур соҳанинг катта салоҳиятига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалар захираси Давлат баланси маълумотга кўра, мамлакатимиз ҳудудида 1895 та кон топилган [7].

2030 йилга келиб ялпи ички маҳсулотда (ЯИМ) саноатнинг улуши бугунги 33,5 фоиз ўрнига 40 фоизгача ўсиши керак. Булар, шубҳасиз, хўжалик айланмасига хомашёнинг янги манбаларини киритиш билан бирга кузатилади [8].

Минерал-хомашё базасидан фойдаланиш самарадорлиги бир қатор биринчи даражали вазифаларни ҳал этишни талаб қилади.

Биринчидан, минерал хомашёнинг зарурий (етарли) ички истеъмоли ва экспорти ўртасида иқтисодий жиҳатдан асосланган балансни аниқлаш ҳамда асослаш, ер қаъри салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва экологик омилларни ҳисобга олиш. МХКни ривожлантиришнинг мазкур моделининг мақсади мамлакатнинг самарали, ривожланган минерал-хомашё комплексини ва иқтисодиётнинг индустриал-инновацион секторини шакллантириш ҳисобланади.

Иккинчидан, экспорт ҳажмини ошириш ва минерал-хомашё билан ўзини ўзи таъминлаш моделларидан замонавий диверсификациялашган, инновацион-хомашё комбинациялашган моделига ўтиш [9]. Ушбу модель миллий минерал-хомашё хавфсизликни таъминлаш борасида маълум бир мосланувчанлик ва барқарорлик хусусиятларига эгадир.

Учинчидан, мамлакат минерал-хомашё хавфсизлигини таъминлаш ва минерал-хом-

ашё комплекси рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш.

Тўртинчидан, ер қаъридан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал қилиш доирасида МХК объектларини ўрганиш, баҳолаш ва ишлаб чиқишни рағбатлантириш зарур.

Бешинчидан, иккиламчи ресурсларни ўзлаштиришни амалга ошириш, минерал хомашёни қайта ишлаш ва фойдаланиш чуқурлигини оширадиган ресурс тежамкор технологияларини жорий қилиш бўйича чора-тадбирларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш керак. Шу билан бирга, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича илғор хорижий технологиялар устидан мониторингни, шунингдек замонавий техника воситалари ва асбоб-ускуналарни харид қилишни таъминлаш муҳим.

Айтиш керакки, жаҳон ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмини тез ўсиши атроф муҳитнинг инсон фаолияти натижалари билан курашиш имкониятини 25-30 фоизга қисқартирди. Экотизимнинг 60 фоизи инсонлар томонидан хаддан ташқари кенг фойдаланилмоқда [10]. Мисол учун, ривожланган давлатлар ўртача ялпи миллий маҳсулотнинг (ЯММ) 1,7 % экологик масалаларни ҳал этишга сарфлашса, табиатга келтирилади зарар эса ҳар йили тахминан ЯММ 6 % ташкил этади [11].

Қайд этилган чора-тадбирлар мамлакат хомашё салоҳияти самарадорлигининг комплексли экологик-иқтисодий баҳосини шакллантирилишига кўмаклашиши шарт.

Келтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда минерал-хомашё ресурсларини ўрганиш, қайта ишлаб чиқариш ва фойдаланиш борасида халқаро ва ҳудудий ҳамкорлик, МХКдан оқилона ва мувозанатлашган истеъмолини таъминлаш ва экологик талабларга риоя қилиш, минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш ва муҳофаза қилиш, минерал-хомашё ресурсларини қидириш ва уни қайта ишлашда эко-инновацион технологияларини жорий қилиш учун биринчи навбатда тўғридан-тўғри хорижий “яшил инвестицияларни” жалб қилиш ҳамда қўшма корхоналарни ташкил қилиш муҳим ўринни эгаллаши керак.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 7 февраль 2017 йил ПФ-4947, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, www.lex.uz.

2. Исаджанов А.А. Глобаллашув шароитида минерал-хомашё комплексининг экологик-иқтисодий моделини шакллантириш. //Ислом зиёси. 2019. 4-сон. 279-287 б.
3. "Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг қ а р о р и. <https://uza.uz/uz/posts/davlat-geologiya-va-mineral-resurslar-mitasi-tizimida-geolog-08-06-2020>.
4. Global Material Resources Outlook to 2060. OECD. 2019. – P.22.
5. Ўзбекистондаги ер остки минерал ресурсларнинг умумий қиймати 5,7 триллион долларга тенг. <https://kun.uz/news/2018/07/22/uzbekistondagi-er-ostki-mineral-resurslarning-umumij-kijmati-57-trillion-dollariga-teng-kumita>
6. Узбекистан направит на переработку минерально-сырьевых ресурсов \$ 40 млрд. http://www.podrobno.uz/cat/_____economic/uzbekistan-napravit-na-pererabotku-mineralno-syrevykh-resursov-40-mlrd/20 Января 2017 г.
7. Турамуратов И. На территории Узбекистана открыто 1895 месторождений. <http://1news.uz/na-territorii-uzbekistana-otkryto-1895-mestorojdeniy/>
8. Махмудов Э. Расширяется сырьевая база промышленности. <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/50422-rasshiryatsya-sirvaya-baza-promishlnosti> 25.09.2017.
9. Стратегия развития минерально-сырьевой базы российской федерации до 2030 года. Проект. М.: 2016. С. 8.
10. Исаджанов А.А., Дадабоев У. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг экологик жихатлари. //Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. Илмий-таҳлилий ахборот бюллетени. 2012 йил, 3-сон. 55-58 бет.
11. Проблемы экологии и развития. <http://www.grandars.ru/student/mirovaya-ekonomika/problema-ustoychivogo-razvitiya.html>

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ЭКСПОРТА ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Д.э.н. Махмудов Носир Махмудович -
Профессор кафедры «Макроэкономический
анализ и прогнозирование»,
Фозилова Фирангиза Комиловна -
Ассистент кафедры «Макроэкономический
анализ и прогнозирование», ТГЭУ**

Аннотация. В статье проанализирован ассортимент пищевых и продовольственных товаров, их производство и экспорт. Представлены основные направления развития перерабатывающей промышленности, совершенствования экономического механизма развития рынка пищевых товаров на мировом рынке.

Tayanch so'zlar: экспорт, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавот маҳсулотлари, сўт маҳсулотлари, ишлаб чиқариш, дунё бозори.

Abstract. The article analyzes the range of food and food products, their production and export. There are the main directions of the development of the processing industry, the improvement of the economic mechanism of the development of the food market in the world market.

Ключевые слова: экспорт, пищевая промышленность, плодоовощная продукция, молочная продукция, регулирование, производства, мировой рынок.

Annotatsiya. Maқолада озиқ-овқат маҳсулотлари асортименти, уларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш таҳлил қилинган. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, жаҳон бозорида озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш кўрсатилган.

Key words: export, food producing, fruit and vegetable products, dairy products, regulation, production.

В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах и Государственной программе по ее реализации за 2020 год четко определены задачи по обеспечению продовольственной безопасности государства, наполнению внутреннего рынка необходимыми пищевыми продуктами, организации производства и глубокой переработки сельскохозяйственной продукции.

Пищевая промышленность стала одним из важных сегментов по степени ее вклада в экономику Узбекистана, поскольку она вносит 18 % ВВП. А это труд коллективов около 10 тысяч предприятий, среди которых 108 масложировых компаний, 1 313 производств по переработке плодоовощной продукции, 1 017 – по переработке мяса и молока, 1 137 – по выпуску кондитерских изделий. Производства пищевых продуктов по данным Министерства экономики, в Узбекистане рас-